



ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ОИЛАЛАРДА АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИ

Сидикходжаева Шаҳзода Азимхаджа қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети 1-босқич экология йўналиши талабаси

Аблоқулова Шаббона Азамат қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети 1-босқич экология йўналиши талабаси

Юмутова Рўзикажон Отабек қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети 4-босқич талабаси

Қуванишова Жасмина Ержан қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети 4-босқич талабаси

Бахтияр Хушбакович Аманов

Чирчиқ давлат педагогика университети

amanov.81@bk.ru

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17537612>

Аннотация. *Ѓўзанинг *G.barbadense* L. туричи биохилма-хилликларини дурагайлаш асосида олинган F7 ўсимликлари оилаларидан қимматли хўжалик белгилари, жумладан, тола узунлиги (40,0-42,0 мм), тола чиқими (38,0-40,0 %) каби белгилар йиғиндисининг юқори кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган шаклларни ажратиб олиш ҳамда кейинги амалий селекция тадқиқотларида қўллаш истиқболини намоён этади.*

Калит сўзлар. *Ѓўза, нав, тола узунлиги, тола чиқими, микронейр, солиштирма узилиш кучи.*

Кириш

Республикамиз жанубий вилоятлари учун ингичка толали ғўзанинг серҳосил, тезпишар, тола чиқими юқори, кўсак йириклигини ошириш, қишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандаларига бардошли ҳамда ташқи муҳитнинг турли экстремал омилларига чидамли бўлган тизма ва навларни яратиш селекция олимларининг олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Қуйидаги масалани ҳал этиш учун тадқиқотларимизда қўлланилган ғўзанинг дурагайларини олиш, олинган дурагайлардан оилалар ажратиш, уларнинг ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида дурагайларда намоён бўлган қимматли хўжалик белгиларини ўрганиб, минтақамизнинг жанубий ҳудудлари учун серҳосил, тезпишар, тола чиқими юқори, кўсаги йирик қишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандалари ва ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли донор ва тизмаларни ажратиб олишдан иборатдир. Кўплаб селекционер олимлар



юқорида келтирилган қимматли хўжалик белгилари устида ўз илмий изланишларини олиб борганлар [1-3].

Ф.Р. Абдиев [2] олиб борган ўз илмий изланишларида, ингичка толали ғўза турига мансуб юқори авлод дурагай ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, корреляцияси ўрганилган. Ажратиб олинган юқори авлод дурагайларининг битта кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни каби қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги аниқланган.

П.Ш. Ибрагимов, В.А. Автономов [3] ларнинг олиб борган изланишларида бошланғич манба сифатида 9871-И, 9929-И, Аш-24, Термиз-16, Гиза-45 навлари олинган ҳамда дурагайлаш ўтказилиб, ҳосилдорлик, битта кўсак вазни, кўсаклар сони, тезпишарлик, тола узунлиги ва чиқими белгиларининг ирсийланиши ўрганилган. 20 та F₁ дурагайларидан биттасида гетерозис эффекти, олтитасида оралик, иккитасида паст кўрсаткичлар ва битта дурагайда депрессия намоён бўлганлиги аниқланган. F₂ ўсимликларида бу белгилар бўйича ажралиш кузатилган.

Ушбу қисқа келтирилган маълумотларда навлараро далиллар асосида олинган хулосалар берилган. Бироқ, *G.barbadense* L. турининг кенжа туричи хилма-хилликларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотни ўтказиш учун ЎзР ФА Ботаника институти ғўза генофонди коллекциясида сақланаётган *G.barbadense* L. турига мансуб маданий тропик шакли *ssp.vitifolium* (Бразилия) кенжа тури ва *ssp.eubarbadense* кенжа турига мансуб маданий Қарши-8 нави ҳамда уларни дурагайлаш асосида олинган юқори авлод (F₇) ўсимликларидан фойдаланилди. Ўрганилган F₇ ўсимликларида ҳосилдорликни белгилаб берувчи ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларидан тола узунлиги, тола чиқими каби белгиларини ўрганиш ва баҳо беришдан иборатдир.

Илмий изланишларни амалга ошириш учун қуйидаги услублардан фойдаланилди: туричи дурагайлаш, якка танлаш, математик таҳлил.

Бошланғич манба учун танланган маданий тропик *ssp.vitifolium* кенжа тури ва *ssp.eubarbadense* кенжа турига мансуб маданий Қарши-8 навида ўрганилган қимматли хўжалик белгилар бир-биридан фарқ қилди. Масалан: тола узунлиги Қарши-8 навида 37,0 мм, *ssp.vitifolium* кенжа турида 28,7 мм, тола чиқими белгиси Қарши-8 навида 34 %, *ssp.vitifolium* кенжа турида 28,4 % ни ташкил этди (жадвал 1).

1-жадвал



**Ингичка толали ғўза нинг туричи шакллари дурагайлаш асосида
олинган**

F₇-ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларнинг таҳлили

Бошланғич манбалар ва дурагай оилалар	Тола узунлиги, мм.			Тола чиқими, %.		
	$\bar{x} \pm S \bar{x}$	Limit	V %	$\bar{x} \pm S \bar{x}$	Limit	V %
Бошланғич манбалар						
Қарши-8 нави	37,0±0,50	35,0-39,0	3,8	34,0±0,63	30,0-36,0	5,8
<i>ssp.vitifolium</i>	28,7±0,63	26,0-32,0	6,9	28,4±0,64	26,0-32,0	7,0
F₇-ўсимликлар						
Оила-1	40,7±0,30	40,0-42,0	2,3	37,5±0,95	34,0-40,0	8,0
Оила-2	40,2±0,16	40,0-41,0	1,2	35,3±1,03	32,0-40,0	9,5
Оила -3	40,5±0,17	40,0-41,0	1,3	33,7±0,36	31,0-35,0	3,3
Оила-4	40,6±0,17	40,0-41,0	1,2	35,8±0,35	34,5-36,4	3,0
Оила-6	40,3±0,18	40,0-41,0	1,4	32,8±0,52	31,0-34,1	5,0
Оила-7	40,3±0,18	40,0-41,0	1,4	36,5±0,62	34,6-38,5	5,3
Оила-8	40,7±0,24	40,0-42,0	1,8	34,1±0,29	32,4-35,3	2,7
Оила-9	39,3±0,26	38,0-40,0	2,0	35,9±0,40	33,9-37,2	3,5

Туричи маданий тропик ва маданий навни ўзаро чапиштириш натижасида олинган F₇ ўсимликларда тола узунлиги белгиси 39,3-40,7 мм, ўзгарувчанлик амплитудаси 38-42 мм, вариация коэффициенти 1,2-2,3 %. Ажратилган оилалар ичида юқорида кўрсатилган тола узунлиги белгиси бўйича деярли унчалик катта фарқ сезилмади. Нисбатан паст кўрсаткич О-9 оиласида (39,3 мм) кузатилди ва ўзгарувчанлик амплитудаси 38,0-40,0 мм, вариация коэффициенти 2,0 % ни ташкил этди. Тола узунлиги белгиси бўйича юқори кўрсаткич О-1 оиласида (40,7 мм) кузатилди ва ўзгарувчанлик амплитудаси 40,0-42,0 мм, вариация коэффициенти эса 2,3 % эканлиги кузатилди (жадвал 1).

Ўрганилган F₇ ўсимликларида тола чиқими 32,8-37,5 % гача бўлган ораликда жойлашди. Масалан, О-1 оиласида тола чиқими бўйича энг юқори натижа олиниб, тегишли равишда белги кўрсаткичи (37,5 %), ўзгарувчанлик амплитудаси 34,0-40,0 %, вариация коэффициенти 8,0 % намоён қилди, шу билан бирга F₇ ўсимликларида эса энг паст тола чиқими О-6 оиласида (32,8 %), ўзгарувчанлик амплитудаси 31,0-34,1 %, вариация коэффициенти 5,0 % ни ташкил этди.

Бундай ўзгарувчанлик ва кўрсатилган белгилар туричида намоён бўладиган микроэволюция жараёнининг юқори авлодлар орасидан танлаш натижасида намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин.



Ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ғўзанинг ингичка толали туричи шакллари ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₇ ўсимликлари оилаларидан қимматли хўжалик белгилари, жумладан, тола узунлиги (40,0-42,0 мм), тола чиқими (38,0-40,0 %) каби белгилар йиғиндисининг юқори кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган шакллари ажратиб олиш ҳамда кейинги амалий селекция тадқиқотларида қўллаш истиқболлини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иксанов М.И. Генофонд и селекция тонковолокнистого хлопчатника в Центральной Азии // “Ќўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди-фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси” мавзусидаги халқаро илмий конференция тўплами 2010 йил 5-6 август. – Тошкент, 2010. Б. 32-35.
2. Абдиев Ф.Р. *G.barbadense* L. турига мансуб юқори авлод дургайлардан амалий селекцияга бошланғич материал яратиш: Автореф. Дисс. ... канд.биол.наук.- Т.: ЎзҒСУИТИ, 2011. – 23 б.
3. Ибрагимов П.Ш., Автономов В.А. *G.barbadense* L. турига мансуб навлардаги асосий хўжалик белгиларини ирсийланиши // Ќўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. ҒСУИТИ. - Ташкент, 1993. - С. 47-50.